


Ислом оламидаги энг машхур шифохона



11:26 / 23.11.2023 2358

1282 йилда ҳукмдор Малик Мансур Қалавон Қоҳирада Ислом оламидаги энг машхур Мансурий шифохонасини қурдирди. Ҳукмдор ушбу ҳодисадан бир мунча вақт олдин ҳашаматли Дамашқ шифохонасида ошқозон санчиғидан батамом тузалганди. Суриялик шифокорларнинг маҳорати тахт ворисида шунчалик кучли таассурот қолдиргандики, ўз ватанида шунга ўхшаш муассасани қуришни дилига тугиб қўйганди.

Ҳукмдор бўлгач, барча кўрсаткичлар бўйича Дамашқдагидан устун бўлган шифохона барпо қилдирди. Дид билан жиҳозланган, хоналари кенг, ўша даврнинг ажойиб асбоб-ускуналари билан таъминланган, малакали шифокорлар фаолият юритган ушбу шифохона катта шуҳрат қозонди. Унинг моддий таъминоти ҳукмдорликнинг бошқа муассасаларидан энг

каттаси эди.

Мансурий шифохонаси Фотимийлар саройида жойлашган бўлиб, 8000 кишига мўлжалланган ётоқхонага эга бўлган (Bedi N. Şehsuvaroğlu (2012-04-24)). Ҳар куни 4000 беморга хизмат кўрсатилган (Mohammad Amin Rodini (7 July 2012)). Ибн Ухванинг «Ҳисба» асарида қуйидаги амбулаторлик ишлари амалга оширилгани келтирилган (SharifKaf Al-Ghazal, The Origin of Bimaristans in Islamic Medical History, last accessed 12/9/2014): шифокор бемордан касаллик сабаби ва у ҳис қилаётган оғриқ ҳақида сўрайди. Таҳлил натижаларига қараб дамлама ва бошқа дори-дармонлар тайинлайди. Кейин беморни олиб келган ҳамроҳига рецептнинг нусхасини ёзиб беради.

Эртаси куни у беморни қайта текширади, ўзини қандай ҳис қилаётганини сўрайди. Ҳолатига қараб маслаҳат беради. Ушбу муолажа у тузалиб кетгунча такрорланади. Тузалса, шифокорга пул тўлайди. Аксинча, вафот этса, унинг яқинлари бош шифокорга муолажа олиб борган шифокорнинг рецептларини тақдим этади. Агар бош врач шифокор ўз ишини пухталиқ билан бажарган, деб баҳоласа, ўлим табиий эканини айтади; беморнинг вафоти табибнинг нотўғри даволагани оқибатида юз берган, деса, шифокордан қон пули олинишини маълум қилади. Боиси беморнинг ўлими шифокорнинг ёмон ишлаши ва касбига совуққонлиги сабабли юзага келган. Шундай қилиб, шифохонага энг тажрибали шифокорлар жалб этилган.

Мансурий шифохонаси низомида бундай дейилган:

«...Шифохона барча беморларга тўлиқ тuzалгунча ёрдам кўрсатади. Одамлар узоқ ёки яқин, маҳаллий аҳоли ёки чет эллик, кучли ёки кучсиз, бой ёки камбағал, иш билан таъминланган ёки ишсиз, кўзи ожиз, жисмонан ва руҳан касал бўлишидан қатъи назар, барча харажатларни шифохона ўз зиммасига олади. Тўловларни тўламагани учун ҳеч кимга эътироз билдирмайди ва ҳатто билвосита шама ҳам қилинмайди» (Philip Adler; Randall Pouwels (2007)). Мансурий шифохонаси 1915 йилгача шундай шаклда ишлади. Эндиликда эса қадимий шифохона ўрнида офталмология маркази фаолият юритмоқда.

Манбалар асосида Мунаввар Рустам қизи тайёрлади.

«Мўминалар» журнали, 2-сон, 2023 йил